O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2007-yil • 10-fevral • Shanba • 18 (27.663) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

# Ўзбекистон салоҳияти Токиода тақдим этилди

***Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 15 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида «Кунчиқар мамлакат» парламентида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар мавзусига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

***Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси ҳамда мамлакатдаги Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Япониянинг сиёсий ва дипломатия доиралари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.***

Тақдимот чоғида Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ва демократик ислоҳотлар жараёнига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Олий Мажлисга қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг аҳамияти ва долзарблигига асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, иқтисодий ва тузилмавий ислоҳотлар жараёнлари ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди. Макроиқтисодий ривожланиш қирралари ва барча соҳалардаги ўсиш суръатларини жадаллаштириш борасидаги ижобий ўзгаришлар қайд этилди.

Япония бош вазирининг махсус маслаҳатчиси, мамлакатнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Кёко Накаяма хоним ўз чиқишида «Ўзбекистон Япония учун самимий ва дўстона ҳамкорлик қилиб келаётган давлатлардан бири» эканини алоҳида таъкидлади. У икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолатини юксак баҳолар экан, кенг қамровли ўзаро ҳамкорлик узлуксиз ва мунтазам ҳукуматлараро мулоқотлар доирасида ривожланаётгани, бунда Осиё учун хос бўлган бирдамлик, маданият, анъана ва менталитетлар муштараклиги муҳим восита эканлигини қайд этди.

К.Накаяма хоним Ўзбекистондаги дипломатик фаолияти даврида кўрсатилган беқиёс ёрдам ва кўмак учун Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ва ўзбек халқига ўзининг самимий миннатдорлигини билдириб, «Япония ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида Ўзбекистон саъй-ҳаракатларининг ўрни алоҳидадир, ўзим бунга бевосита гувоҳ бўлганман», деди.

Осиё тараққиёт банкининг собиқ президенти, «Nomura» илмий-тадқиқот институтининг катта маслаҳатчиси Тадао Чина Ўзбекистонга киритилаётган япон сармоялари ҳажмини кўпайтириш зарурлигини қайд этди. У Ўзбекистонда сармоявий муҳит янада яхшиланиши ҳамда мамлакатнинг устувор лойиҳаларига япон сармоялари жалб этилишида Япония ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки ҳар томонлама кўмаклашишига умид билдирди.

Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Европа масалалари бўйича бош директори ўринбосари Такеши Яги Марказий Осиё мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлар экан, Япония «Марказий Осиё + Япония» мулоқоти доирасида минтақа давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантираётгани ва Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги минтақалараро ҳамкорликни чуқурлаштириш жараёнларида етакчиликни ўз зиммасига олишга қодир бўлган муҳим мамлакат сифатида қараётганини қайд этди.

Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш институти ижрочи директори Тецуджи Танака сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида И.А.Каримов томонидан амалга оширилаётган сиёсий партияларнинг, шунингдек, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотларнинг фаолиятини янада эркинлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани ҳамда жамият демократлашаётганидан далолат беришини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА**
*Токио*

# БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Юртимизда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 566 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар, илмий анжуманлар, навоийхонлик кечалари давом этмоқда. Анъанага кўра, 9 февраль куни пойтахтимиздаги буюк шоир номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғига олимлар, адиблар, санъаткорлар, халқаро ва жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, талаба-ёшлар йиғилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавий меросимизни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, халқимиз, айниқса, ёш авлод онгига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу бобокалонимиз Алишер Навоий ижодини янада чуқур ва мукаммал ўрганиш, ёшлар онгу-шуурига етказиш каби эзгу ишларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Шоир асарларида тараннум этилган инсонпарварлик, эзгулик ва меҳр-мурувват ғоялари юртимизнинг ижтимоий адолат, бунёдкорлик ва яратувчанлик соҳаларида эришаётган муваффақиятларида ўзининг ёрқин ифодасини топаётир.

Навоийшунос олима Суйима Ғаниева, Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юй Хунцзюнь, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тойир Алишер Навоий асарлари ҳамон жаҳоннинг кўплаб халқлари тилларига таржима этилиб, катта қизиқиш билан ўрганилаётганини, турли мамлакатларда бобокалонимизга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёдгорликлар ўрнатилаётганини таъкидладилар. Бундай эзгу амаллар башарият маданияти, адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг боқий маънавий мероси, халқимиз юксак салоҳиятининг умумжаҳоний эътирофидир.

Тадбир иштирокчилари шоир ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

✧✧✧

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида мушоира бўлиб ўтди.

Алишер Навоий ижодий меросига бағишланган тадбирлар юртимиз вилоятларида, таълим масканлари, маънавият ва маърифат даргоҳларида давом этмоқда.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**





**Суратларда:** пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

**Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар**

❖ **ЎзХДП ҳаёти**

# ЯНГИЛАНИШ МАСЪУЛИЯТИ

ЎзХДП Избоскан туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда туман партия ташкилоти етакчиси Қумрихон Хўжаева «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ўрганиш, тарғиб қилиш» мавзуида маъруза қилди. Шунингдек, музокараларда сўзга чиққан туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари, ЎзХДП аъзоси Аҳмаджон Қосимов, Охунбобоев ҳудудий партия ташкилоти раиси Шаҳзодахон Сатимова ва бошқаларнинг қонун лойиҳалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам қизиқарли ва таъсирчан бўлди.

Муҳими, туман партия кенгаши пленуми янгича тарзда жўшқин ўтди. Йиғин якунланса-да, қатнашчиларнинг мунозараси давом этгани ҳам бунинг далилидир.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

**НУКУС (ЎзА мухбири А.Ортиқбоев).** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида ЮНИСЕФ — халқаро болалар жамғармаси ташаббуси билан «Ижтимоий ҳимоя йили»да Оролбўйи минтақасида амалга ошириладиган ишлар кўламига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар аёллар саломатлигини ҳимоялаш, улар ўртасида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида тўхталди.

Минтақада биринчи навбатда кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, болалик даврида учрайдиган турли хасталикларнинг олдини олиш, уларга қарши эмлашга етарли даражада эътибор қаратиш муҳимлиги таъкидланди. Бу борада босқичма-босқич амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

## БУ ҲАҚДА... !

«Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданиятининг умумжаҳон пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан бутун мусулмон оламининг ифодачиси бўлган Жаҳон ислом лигаси номидан Сиз, Жаноби олийларини ва ўзбек халқини муборакбод этиш менга улкан мамнуният бахш этади. Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат ато этишини сўрайман.

Жаҳон ислом ташкилоти мамлакатингизнинг ислом маданиятини ривожлантириш ишига қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлайди. Бу муҳим воқеани муносиб нишонлаш мақсадида биргаликда «Ўзбекистоннинг ислом цивилизациясига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро семинар ўтказишга тайёр эканимизни билдирамиз.»

**БУ ҲАҚДА Жаҳон ислом лигаси Бош котиби доктор Абдулла бин Абдулмуҳсин ат-Туркий мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга йўллаган табрик хатида алоҳида таъкидлади.**

❖ **Ўзбекистон — умумий уйимиз**

# ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Республика Байналмилал маданият марказида Ўзбекистон Рус маданият маркази билан ҳамкорликда дўстлик фестивали ташкил этилди. «Янгра, гармон!» деб номланган ушбу мусиқий тадбир Республика Байналмилал маданият марказининг 15 йиллиги доирасида ташкил этилди.

Тадбирда Рус маданият маркази раҳбари Светлана Герасимова турли миллат ва элат вакиллари аҳилликда истиқомат қилаётган мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, дўстлик ва бағрикенглик тамойиллари давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканини алоҳида таъкидлади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда. Юртимиздаги барқарор, тинч ва осуда ҳаётни ватандошларимиз олий қадрият, деб билади. Мамлакатимизда ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хослиги, тили, урф-одати ҳамда анъаналарини сақлашда муҳим роль ўйнайдиган миллий маданият марказларининг фаолиятини янада ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Ўз навбатида, бир юз қирқдан зиёд ана шундай марказ ўзаро ишонч, ҳамжиҳатлик, дўстлик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Бунда Рус маданият марказининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Фестивалда санъат усталари, ижрочи ёшлар ҳамда Рус маданият марказининг бадиий ҳаваскорлик жамоалари иштирокидаги мусиқий дастур намойиш этилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# НАВРЎЗГАЧА БИТКАЗИЛАДИ

— Ўтган йили сув танқислиги, об-ҳаво мураккаблиги қишлоқ хўжалигида анча қийинчиликлар туғдирди. Насиб этса, бу йил ҳиссасини чиқарамиз. Ҳозирги пайтда қурилиш-ободончилик ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Ғузор шаҳри марказида 10 минг ўринли стадион қурдик. «Шўртангазкимё» мажмуи ҳомийлигида стадионда ёпиқ бассейн қурилиши давом этаяпти.

Спорт иншоотлари ниҳоятда зарур. Шунинг учун ҳам шаҳардаги «Наврўз» маҳалласида яратилаётган спорт мажмуи ёшлар ва иштиёқмандлар учун катта совға бўлади. Бу жойда футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, теннис корти, бассейн қурилади. Ёпиқ спорт зали ҳам бунёд этилади. Ҳомийлик қилаётган ва қурилишни олиб бораётган «Ҳисоролдинефтгаз» экспедицияси жамоаси спорт мажмуасини Наврўз байрамигача битказишга ҳаракат қилмоқда, — дейди Ғузор тумани ҳокими, Халқ демократик партияси фаоли Шомурод Донаев.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## БУГУНГИ СОНДА !

**«ХИЁБОН ОДОБИ»**
«Ёки истироҳат масканларида дам олувчиларнинг юриш-туриши, ўзини тутиши ҳақида айрим мулоҳазалар.» 2

**«СИНОВЛАРДА СИНАЛГАН САДОҚАТ»**
«1941 йил, иккинчи жаҳон уруши бошланган пайтда Санкт-Петербург шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги нишонланган эди...» 3

**«ЕТТИ МЎЪЖИЗА, ҒАРОЙИБ ТАРИХ»**
*«Шундай қилиб, **«Дунёнинг етти мўъжизаси»** тўғрисидаги қисқача ҳикоямиз ҳозирча шулар. Аммо «Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси»га номзодлар анчагина.»* 4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ ЎзХДП ҳаёти

# ИШОНЧ ОҚЛАНЯПТИМИ?

*Халқнинг ишончли вакили бўлган депутатлар олдига бугун ўта масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз фаолиятларидан қониқаяптими? Уларнинг вазифалари нималардан иборат? Шу каби саволлар билан мухбиримиз халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон ТОШЕВга мурожаат қилди.*

**— Самарқанд вилоят Кенгашидаги сиз раҳбарлик қилаётган ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари ўтган давр мобайнида қай даражада фаолият кўрсатди?**

— Тўғрисини айтиш керак, бугун маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Уларнинг иш фаолияти тўла шаклланмаган.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз 23 кишидан иборат. Гуруҳимиз бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, вилоят Кенгаши депутати Ҳасан Нормуродовнинг таклифи ва ташаббуси билан вилоятдаги корхона, ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қошида нуронийлардан иборат Оқсоқоллар Кенгаши ташкил этилди. Депутат Тўхта Худойназаровнинг ташаббусига кўра вилоятдаги мавжуд фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди. Бизнинг ташаббусимиз билан Пахтачи туманидаги Қарнабота қишлоғида 40 ўринга мўлжалланган соғломлаштириш маркази ишга туширилди.

**— Аксарият одамлар билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар депутатларнинг маҳаллий Кенгаш сессияларида керакли масалаларни кўтариб чиқмаётганлигини айтишади...**

— Шу ўринда бир гап. Айрим фуқаролар кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун тўловлар юқорилиги, ногирон ёки нафақахўрларга имтиёзлар каби масалаларни сессияда кўтариб чиқишни сўрашади. Булар белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Уларни маҳаллий Кенгаш сессияларида муҳокама этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Маълумки, ЎзХДПнинг жойлардаги кенгашлари қошида Жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатиб турибди. Уларга қилинган ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилади. Қабулхонага келиб тушган мурожаат қайси ҳудуддан бўлса масалани ўрганишга ўша ҳудуддан сайланган депутатлар ҳам жалб этилмоқда.

Ўрни келганда айтиб ўтишим керак, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг фаолият доирасига оид услубий қўлланма ишлаб чиқилса, вилоятлараро анжуманлар ташкил этилиб, ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилса фойдадан холи бўлмасди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашида ЎзХДПдан сайланган депутатларнинг ўз ўрни ва сўзи бор. Улар муҳокамаларда фаол иштирок этиб, ҳар бир масала юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдиришади. Буларга Ҳасан Нормуродов, Тўхта Худойназаров, Пиримқул Собиров, Жамол Ибрагимов, Ойсулув Нафасова каби ўнлаб депутатларимизни мисол келтиришим мумкин.

**— Яқинда халқ депутатлари вилоят Кенгашида Регламент ва депутатлик одоби бўйича доимий Комиссия ташкил этилди. Ушбу комиссияга раис этиб сайланибсиз...**

— Вилоят Кенгашининг 60 нафар депутати ушбу вазифани менга ишониб топширишди. Комиссия раиси ўринбосарлигига ҳам ЎзХДП аъзоси, депутат Ўктам Саидмуродов сайланди. Бу катта ишонч, албатта. Ташкил этилган янги комиссиянинг мақсади вилоят Кенгаши депутатларининг обрўси, шаънини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятини йил давомида ўрганиб боришдан иборат.

**— ЎзХДП вилоят Кенгаши ва депутатлик гуруҳи ўртасидаги алоқалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?**

— ЎзХДП вилоят Кенгаши билан яқин ҳамкормиз. Чунки бизни умумий мақсад ва вазифалар бирлаштириб туради. Қилаётган ишларимиз ва депутатлик фаолиятимиз ҳақида партия вилоят кенгашига сайловчиларимизга ҳисобот бериб борамиз. Ҳар бир депутатдан ўзи сайланган ҳудуддаги сайловчилар билан доимий алоқада бўлиш, сайловчилар томонидан у ёки бу масалада қилинган мурожаатларга бефарқ бўлмаслик талаб этилади. Партия фаоллари ва депутатлар иштирокидаги маслаҳат кенгаши кўплаб масалаларга ечим топмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастури ҳам ЎзХДП вилоят кенгашида депутатлар иштирокида муҳокама қилиниб, депутатлик гуруҳи аъзоларига тегишли бандлар, вазифалар белгилаб олинди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Шуҳрат ҚАРШИЕВ суҳбатлашди.**



Абдуваси ҲАЙДАРОВ (ЎзА) олган сурат

## ЯНГИ КОЛЛЕЖ

*Республикамизда айни дамларда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижросини изчиллик билан амалга ошириш, олий таълим муассасаларига билимдон, қобилиятли ёшларни танлаб олиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар мутахассисларини тайёрлаш борасида қатор амалий тажрибалар тўпланмоқда. Замонавий касб-ҳунар коллежлари сони ҳам йил сайин ортиб бораётир. Бугунги кунда биргина Тошкент вилоятининг қатор туман ва шаҳарларида 80 дан зиёд коллеж ва лицейлар фаолият кўрсатмоқда.*

*Ана шундай билим масканларидан яна бири Янгийўл туманида қад ростлаган 540 ўринли ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидир.*

*— Фарзандларимизнинг баркамол бўлиб вояга етишида, замонавий билимларни пухта эгаллашларида касб-ҳунар коллежларининг алоҳида ўрни бор, — дейди* ***коллеж директори Абдуқаюм Хушвақтов.*** *— Касб-ҳунар коллежимизда бошланғич таълим, ҳуқуқшунослик, банк иши, бухгалтерия, информатика, тикувчилик йўналишларида малакали мутахассислар тайёрланади.*

**Соҳибжон САЛИМОВ**

# ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

***Жанубий Кореяда инглиз тилида чоп этиладиган етакчи нашрлардан бири — «The Korea Post» журнали саҳифаларида юртимизга бағишланган «Ўзбекистонда виждон эркинлиги қонунчилик билан таъминланган» сарлавҳали мақола эълон қилинди.***

Унда «мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистон жамиятида маънавий негизларни тиклаш жараёнлари амалга оширилаётгани, динга маънавий тамойилларга асосланган халқнинг бой меросини тиклаш ва авайлаб-асраш ҳамда одамлар дунёқарашини шакллантириш омили сифатида қаралиши» таъкидланади.

«Диний низолардан холи бўлган Ўзбекистонда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик муҳити ҳукм сурмоқда. Мамлакат мусулмонлари азалдан маънавий илдизга эга тинчликпарвар инсонлардир. Давлат диний маърифат масалаларига катта эътибор қаратмоқда. Истиқлол йилларида 2 мингдан зиёд масжид барпо этилди ва тикланди, кўплаб мадрасалар очилди. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ислом университети ташкил этилди. Бугунги кунда ўзбек халқи мамлакат бўйлаб Қурбон ҳайити, Рамазон ҳайити каби байрамларни кенг нишонлаяпти. Ҳар йили Ўзбекистон раҳбариятининг бевосита кўмаги билан 4 мингга яқин ўзбекистон мусулмонлари Макка ва Мадинадаги муқаддас зиёратгоҳларга Хаж сафарини амалга оширади», деб ёзади «The Korea Post».

Мақолада Ўзбекистон халқи диний экстремистлар фаолиятига нисбатан ўта салбий муносабатда экани, уларни мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид, деб билиши алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистонда давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига катта аҳамият берилаётгани ҳам журналхонлар эътиборига ҳавола этилган. 2007 йил Ўзбекистонда «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилинган. Мақола муаллифи, шунингдек, яқинда тасдиқланган 2007 йил бюджетида аҳоли ижтимоий ҳимоясига йўналтириладиган молиявий воситаларни сезиларли даражада кўпайтириш кўзда тутилганига ҳам ўз муносабатини билдирган.

«Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Конституция қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида парламентга қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасининг муҳимлигига тўхталиб ўтди, деб ёзади журнал. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши қонун чиқарувчи ҳокимият ва маҳаллий органлар ваколатини кенгайтиришда улкан аҳамият касб этади».

Кореядаги яна бир нуфузли нашр — «The Korea Times» газетаси эса «Ўзбекистон ва Жанубий Корея дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 15 йиллигини нишонламоқда» сарлавҳали мақолани чоп этди. Корея Республикасидаги узоқ йиллардан буён инглиз тилида нашр этиб келинадиган бу газета дунёнинг юздан зиёд мамлакатида тарқатилади.

Мақолада дипломатия муносабатлари ўрнатилишининг тарихи қисқа бўлишига қарамай, Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасининг ишончли дўсти ва шеригига айланиб улгургани қайд этилади. Бугунги кунда икки томонлама ҳамкорлик ва шериклик деярли барча соҳаларни қамраб олган.

«Икки давлат раҳбарлари томонидан йўлга қўйилган яқин ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотни алоҳида таъкидлаш жоиз, деб ёзади «The Korea Times». Дипломатия муносабатлари ўрнатилган вақтдан буён 6 маротаба олий даражадаги учрашув ўтказилди. Икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтарган Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасига, Президент Ро Му Хеннинг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари икки томонлама ҳамкорликда алоҳида аҳамият касб этди.

Икки давлатнинг иқтисодий тизими бири бирини ўзаро манфаатли асосда тўлдириб боради. Ўзбекистоннинг табиий захиралари ва Жанубий Кореянинг юқори технологияларини ҳамкорликда қўллаш узоқ муддатли икки томонлама ҳамкорлик учун қулай имконият яратади. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган Жанубий Корея сармояларининг умумий ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи чоғида қиймати 1,8 миллиард долларлик икки томонлама келишувлар имзоланди. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқаларининг ҳажми 600 миллион доллардан зиёд бўлди».

Мақола якунида Ўзбекистонда бошқа миллат вакиллари билан бир қаторда дунёдаги энг катта корейс жамоаларидан бири истиқомат қилаётгани ва бу икки мамлакат халқлари ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқларига салмоқли ҳисса қўшаётгани қайд этилади.

**«Жаҳон» АА**
*Сеул*

# АДАШМАБМАН

Отамни Жиззахда Зойир темирчи десангиз кўпчилик танийди. У киши бир умр шу касбни ардоқлаб ўтдилар. Мен ҳам аввалига ота касбини танлагандим. Кейинчалик замона зайли билан тадбиркорликка ўтиб кетдим. Топиш-тутишим яхши, рўзғордан камчилигим йўқ. Олти нафар фарзандим бор. Эл қатори яшаяпмиз.

Сиёсий қарашларим, эътиқод масаласига келганда, шуни айтишим зарурки, шу пайтгача бирон-бир сиёсий партияга кириш ҳақида тузукроқ ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Аммо, кунларнинг бирида ЎзХДП Жиззах шаҳар кенгаши маҳалламизда тадбир ўтказди. Унда партия фаоллари тўпланганларга Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ҳақида сўзлаб беришди. Қарасам, бу партиянинг ўз олдига қўйган вазифалари менга маъқул бўлаяпти. Шу воқеа сабаб бўлдими, ҳартигул, менинг ўрним айнан шу сиёсий партия сафида эмасмикан, дея ўйлаб қолдим.

Орадан ойлар ўтди ва маҳалламиздан 3-4 киши ЎзХДП сафига ўтиш учун ариза бердик. Бугун ХДП аъзоси сифатида ўтказилаётган барча тадбирларда иштирок этишга ҳаракат қилаяпман. Айниқса, партия Дастурида белгилаб қўйилган аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоялашдек савобли ишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Одатда ҳар қандай сиёсий партиянинг обрўси, таъсирчанлиги унинг ҳаракатчанлиги, ташаббускор ва ташкилотчилиги билан ўлчанади. Бугун қуруқ гаплар, панд-насиҳатлар, қоп-қоп ваъдалар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги ҳаммага аён. Одамлар сиёсий партияларга аввало, уларнинг амалий ишларига, у ёки бу муаммонинг ечимини топишдаги иштирокига қараб баҳо беришмоқда. Назаримда бундай амалий ишлар ХДПда талайгина. Шуларни эътиборга олган ҳолда ЎзХДПга аъзо бўлиб тўғри иш қилган эканман, деган хулосага келдим.

**Қурбонбой ЗОКИРОВ,**
**Жиззах шаҳридаги Ўратепалик маҳалласи фуқароси.**

# АНДИЖОННИНГ БОЙИТИЛГАН УНИ

«Андижондонмаҳсулот» очиқ акциядорлик жамиятида витамин ва минераллар аралашмаси билан бойитилган ун ишлаб чиқарила бошланди. Миллий дастур асосида тайёрланган ана шундай маҳсулот биржа орқали сотувга қўйилди.

Бойитилган «Андижон-1» навли ун нархи, ранги, мазаси билан деярли фарқ қилмайди. Аммо, аҳоли ўртасидаги камқонлик касаллигини олдини олишда энг таъсирчан воситадир.

Унни бойитиш бўйича Миллий дастурнинг мақсади беш йил давомида мамлакатимизда аёллар ва болалар ўртасида темир танқислиги анемияси даражасини пасайтиришдан иборатдир.

**(Ўз мухбиримиз)**

❖ Мулоҳаза

# ХИЁБОН ОДОБИ

## ЁКИ ИСТИРОҲАТ МАСКАНЛАРИДА ДАМ ОЛУВЧИЛАРНИНГ ЮРИШ-ТУРИШИ, ЎЗИНИ ТУТИШИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР



Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Бири биридан муҳташам бинолар тобора кўпаймоқда. Кенг, равон йўллар, кўприклар, хиёбонлар... Тошкент бугун ҳақиқий маънода пойтахти азим, шарқ дарвозаси дея фахр билан эътироф этишга муносиб шаҳар.

Пойтахтимизнинг бугунги қиёфаси ҳақида гап кетганда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини алоҳида эътироф этиш зарур. Айниқса, бу йўлда амалга оширилаётган юмушлар халқимизнинг кўп йиллик орзу-ниятларини ўзида ифода этаётгани таҳсинга лойиқ.

Бугунги кунда ўндан зиёд хиёбонлар, дам олиш боғлари шаҳарликлар ва уларнинг меҳмонлари хизматида. Амир Темур хиёбони, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Боғи Эрам, Бобур, Ғафур Ғулом, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғлари Тошкентимиз ҳуснига-ҳусн қўшиб, юртдошларимиз учун севимли гўшаларга айланган. Кимдир истироҳатгоҳда дам олади, яна кимдир фарзандини ўйнатади, биров дўсти ёки ёқтирган кишиси билан учрашади. Табиийки, бундай масканларнинг асосий вазифаси битта: одамлар вақтини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш, қолаверса, табиат билан инсон ўртасида ажралмас боғлиқлик борлигини эслатиб туришдир. Афсуски, ҳамма ҳам буни тўғри тушунавермайди.

— Нафақага чиққандан кейин уйга сиғмай қолдим, — **дейди ўзини Нуртой БЎТАЕВ деб таништирган отахон.** — Шундай вақтларда Амир Темур хиёбонига чиқиб, одамлар билан суҳбатлашиб ўтираман. Дам олишга келганларни кўрсам, баҳри-дилим очилади. Ўзим билан доим шоҳмотимни олиб келаман. Дам олувчилар билан бирга шоҳмот ўйнайман. Бир неча марта чет эллик сайёҳлар билан ҳам дона сурдим. Ҳозир қиш бўлгани учун салқин жойга эҳтиёж йўқ. Иссиқ кунлар бошланиши билан бу ер жаннатга айланади. Қўлимни кўксимга қўйиб айтаманки, бу хиёбоннинг қиёси йўқ. Афсуски, баъзилар бундай жойда ўзини қандай тутиш кераклигини билишмайди. Ҳатто бошқаларнинг тинчини бузадиганлар ҳам учраб туради. Баъзан эса ёш ота-оналар фарзандларига табиатни истаганча пайҳон қилишларига йўл қўйиб беради. Келин-куёвларнинг истироҳат боғларига от-араваларда кириб келишлари ҳам ижобий ҳолат эмас. Менимча, шундайлар жамоат жойида ўзини тутишни, бошқаларга ҳурматда бўлишни ўрганиб олишлари зарур.

Дарҳақиқат, бу масала кишини ўйга толдиради. Айрим ёшлар жамоат жойларида ўзини тутиш одобини билмасликларига кўп гувоҳ бўламиз. Яқинда хиёбонлардан бирида тўрт-бешта йигитча тўпланиб, олиб бир-бири билан сўкиниб гаплашаётгани, қўл телефонида бақириб сўзлашаётганини кўрдим. Аслида бундай ҳол одатий бўлиб қолган. Улар орасида қизлар ҳам кўриниб қолади... Одобсиз гап-сўзлар, хатти-ҳаракатлар, табиийки, суҳбатлашиб ёки газета ўқиб ўтирган кишиларга, айниқса, қарияларга, боласини етаклаб юрган оналарга қаттиқ ботади, асабларига тегади-ку ахир.

Хиёбонларда озиқ-овқат қолдиқларини дуч келган жойга ташлаб кетиш, ўриндиқларга оёқ қўйиб ўтириш, сигарет қолдиқларини отиб юбориш каби ўта маданиятсиз қилиқлар ҳам оз эмас. Енгил-елпи бундай ёшлар, ҳатто айрим ёши катталар ҳам бу жойларни ким обод қилгани, қанча маблағ кетгани, бугун ҳам бу жойлар тозалигини сақлаш учун қанчалаб одамлар меҳнат қилаётгани билан асло қизиқишмайди. Буни ҳурмат қилиш, қадрига етишни уларга аввало, ота-она ўргатиши керак эмасми?..

**Ортиқ Али БЕҲУТОВ, талаба:**

— Университетимиз ёнида Бобур номли истироҳат боғи жойлашган. Кўпинча шу ерга чиқиб дам оламиз, китоб ўқиймиз. Тўғриси, баъзида ўзим тенги ёшларнинг лоқайдлигидан уялиб кетаман. Чунки, хиёбон улар учун шунчаки кўнгилочар жойга ўхшайди. Аслида-чи? Бу ер одамлар учун ишдан бўш пайтда ҳордиқ чиқарадиган жой бўлиш билан бирга маданий-маърифий маскан ҳамдир. Шу боис бу каби гўшаларда осойишталикка, тартибга риоя қилишга ҳаммамиз масъулмиз. Тинчликни таъминловчи бирдан-бир восита эса бу шубҳасиз одоб, маълум ахлоқий қоидалардир.

— Дарсдан бўш вақтларда дўстларим билан қишлоқни, уйни эслаб, ҳордиқ олиш мақсадида хиёбонларга чиқиб тураман, — **дейди Тошкент молия институти талабаси Илҳом ШЕРМАТОВ.** — Аммо айрим вақтларда бу ердаги манзараларни ҳазм қилиш қийин. Бизда азалдан ўғил ва қиз бола ўртасида масофа сақланган. Боғда эса ҳолат бироз бошқача... Ор-номуси осмонга тенг, ҳаёда фариштани уятга қўядиган узун кўйлакли ўша қизу, ғурури тоғни талқон қилувчи фарҳодлар бу ерда бошқа одамларга айланиб қолганга ўхшайди. Очиғи, ўзбекчилику ахлоқ-одоб, ҳаё доирасидан чиқиб кетишади... Қизларнинг уялмаганидан одам оғир хаёлга ботади. Баъзан улар ичида ўзимнинг танишларим учраб қолади. Шунда улар ўзларини танимаганга олишади. Мен ҳам ўзимни гўё танимагандай, кўрмагандай тутаман. Ота-оналар ўз фарзанди, айниқса, қизига наҳотки эътиборсиз бўлишса?.. Наҳотки, ўз шаънини асраш ҳақида уларга тушунчалар беришмаса?.. Бу саволлар кишини таажжубга солади... Аслида бу жойлар, боғлар, халқимиз маданиятини, ёшларимиз тарбиясини кўрсатадиган жой, кўзгу бўлиши керак эмасми? Ота-оналар ҳеч бўлмаса шу ҳақда бироз ўйлаб кўрсалар бўлмасмикин?..

Дарҳақиқат, хиёбонлар қайсидир маънода шаҳримиз рамзи, халқимиз маданиятини кўрсатувчи тимсолдир. Шунинг учун ҳам уларга одатда атоқли шахсларнинг номлари берилади. Бу сиймоларга атаб ҳайкаллар қўйилади, ёдгорликлар ўрнатилади...

Шу ўринда бир гап. Йўлда юрган ҳайдовчи бир зум ҳушёрликни унутса, ҳалокатга учраши ҳеч гапмас. Шундай экан, нафақат хиёбонда, балки ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида маълум ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилмас эканмиз, унинг оқибати шубҳасиз моддий-маънавий ҳалокатларни келтириб чиқаради.

Шулар ҳақида ўйласам кўнглимдан шундай сўзлар ўтади: Азиз ёшлар, тенгдошлар! Бу юртда кимки нимага интилса, шунга эришган. Келинг, бизга қилинаётган ғамхўрликни, берилаётган эътиборни оқлашга ҳаракат қилайлик. Ўқув юртларимиз яқинида жойлашган хиёбонларга ўзимизники деган кўз билан қарайлик. Уларни ободонлаштиришга, тозалигини сақлашга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Зеро, мамлакатимиздаги ҳар бир нарса бизники, ҳар бир ниҳол парваришимизга муҳтож.

Эртага яна кўклам келади. Хиёбонларимиз яна жонланади, ҳуснига-ҳусн қўшилади. Бизнинг хатти-ҳаракатимиз ҳам ана шу ободлик, кўркамлик, тозаликка муносиб бўлиши керак деб ўйлайман.

***Жасур ҲУСАНОВ,***
***ЎзМУ талабаси***

❖ Биз билган ва билмаган тарих

# СИНОВЛАРДА СИНАЛГАН САДОҚАТ

1941 ЙИЛ, ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ БОШЛАНГАН ПАЙТДА САНКТ-ПЕТЕРБУРГ (ЛЕНИНГРАД) ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОЙИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 500 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНГАН ЭДИ...

**(Охири. Боши ўтган сонда)**

Жангчи-шоир қоғознинг иккинчи бетини очиб ўқиди: ***«Давлат Эрмитажи Сизни улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий туғилган кунининг 500 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишга таклиф этади. Тадбир шу йил 10 декабрь соат 14 да бошланади. Набережная кўчаси, 34-уй. Кичик йўлакдан кирилади».***

9 декабрь куни қор остида кўмилиб ётган трамвай излари устида музлаб қотган вагонлар ёнидан, баланд қор уюмларини айланиб ўтиб, Эрмитажга командировка қилинган шоир ва олимлар Навоий юбилейида қатнашиш учун кела бошладилар.



**1941 йил 10 декабрь**

Музейга кираверишдаги йўлакда меҳмонларни И.Орбелининг ўзи кутиб олди. У кириш сўзини шундай бошлади:

— Азиз дўстлар! Биз бугун халқимиз ҳаётидаги ажойиб санани нишонлаш, буюк ўзбек шоири ва маърифатпарвари Алишер Навоийнинг ўлмас номини ёд этиш учун йиғилдик. Ушбу анжуманнинг қамал қилинган, очликка маҳкум этилган шаҳарда ўтказилишининг ўзиёқ фидойи олимларимизнинг қаҳрамонона руҳини, букилмас иродасини, илм-фаннинг абадий барҳаёт эканлигини намойиш этади...

В.Рождественский кириб келганида, бу ерда қирққа яқин киши тўпланган эди. Улар қалин кийимларга бурканган ҳолда ўтирардилар. Маълум бўлишича, улар Навоийга бағишланган тантанали анжумандан хабар топиб, узоқ-яқиндан қийналиб жонларини гаровга қўйиб бўлса-да, келишган экан.

Шубҳасиз, ўша фавқулодда мушкул кунларда Навоий юбилейини ўтказиш шартмикан, деганлар ҳам бўлган. Бундай қарашлар кескин қораланиб, маърузачи ва таржимонларнинг анжуманга қандай тайёргарлик кўраётгани мунтазам назорат қилинган. «Қанчалик қийин бўлмасин, анжуманни шундай ўтказайликки, жаҳон қойил қолсин. Фашистларга фаннинг, унинг намояндалари — забардаст олимларимизнинг куч-қудратини, ғалабага бўлган буюк ишончини амалда кўрсатиб қўйиш керак!»

Кеча раиси «Навоий замони» мавзуидаги биринчи маъруза учун атоқли шарқшунос А.Болдиревга сўз беради. У ўзбек шоири яшаган тарихий даврни мукаммал тавсифлаб, маърузасини: «Ўзбек халқининг инсонпарвар шоири шу фавқулодда оғир ва мушкул кунларда биз билан биргадир», деган сўзлар билан тугатганида, мадорсиз қўллар қарсак чалишга талпинади.

Урушнинг дастлабки ойларида шаҳардаги Ломоносов номли чинни заводи мамлакат ичкарисига кўчирилган. Завод рассоми М.Мох эса она-шаҳрида қолиб, Эрмитажнинг қурилиш-таъмирлаш бригадасида ишлаётган эди. У ноябрь ойи ўрталарида Навоийнинг 500 йиллигига тайёргарлик кўрилаётганидан хабар топиб, музей директори ҳузурига киради ва унга юбилейда қатнашиш истагини билдиради. Рухсат олгач, керакли асбоб-ускуналарни топиб, совуқдан титраб турган қўллари билан «Сабъаи сайёр» достони мотивлари асосида безалган чинни буюмлар тайёрлайди. Юбилей учун шу машаққатли кунларда махсус ишланган ва анжуманнинг кичик кўргазмасидан жой олган бу санъат асарлари иштирокчиларда катта таассурот қолдиради.

Биринчи маърузадан сўнг сўз таржимон Н.Лебедевга берилади. У минбар олдига келади-ю, аммо бир неча кундан бери туз тотмагани учун ҳушини йўқотади. Шундан сўнг ёшгина адабиёт муаллими минбарга чиқиб, Навоий ғазалларини ўз таржимасида қойилмақом қилиб ўқиди. Сўнгра иссиқ чой ичиб, ўзига келган Лебедев таржималарини ўқий бошлади. Унинг заиф овози ташқарида кечаётган гумбур-гумбурлар остида ўқтин-ўқтин эшитилмай қоларди. Шундай бўлса-да, Навоий шеъриятининг нафис мусиқаси ва поэтик жозибаси анжуман қатнашчиларини мутаъассир қилмай қўймаган. Ана шу тўлқинда минбарга кўтарилган В.Рождественский ҳам ўз таржималарини ўқиб, қатнашчиларни ўзбек шоирининг гўзал ва бой бадиий олами билан таништирди.

Қоронғи тушиб, замбараклар хуружининг яқинлашаётгани ҳақидаги радио хабарлари анжуманни тўхтатишга мажбур қилди. Четдан келган меҳмонлар секин-аста совуқ ва қоронғи шаҳар сари тарқалдилар.

**1941 йил 12 декабрь**

И.Орбелининг таклифи билан анжуманнинг давоми 12 декабрга кўчирилган эди. Шу куни йиғилиш профессор Б.Пиотровскийнинг «Навоий образлари ва қадимги Шарқ асотирлари» мавзуидаги маърузаси билан бошланди. Маърузачи Навоий достонларидаги қаҳрамонлар образини Шарқ мифологиясидаги образлар билан қиёсий таҳлил қилаётганда, дафъатан ҳаво ҳужуми бошланиб, замбараклар тилга кириб кетди. Душман самолётлари замбаракларнинг қақшатқич зарбасига учраган ва орқага қайтган бўлса керак, яна сукунат чўкди.

**1941 йил 29 декабрь**

Навоийнинг 500 йиллигига бағишланган тадбирлар ҳали тугамаган эди. Олимлар ўзбек шоири ижодини ўрганиш, асосий илмий-назарий ва насрий асарларининг танқидий матнини ва Навоийга бағишланган тадқиқотлар тўпламини тайёрлаш устида ишлашда давом этдилар. Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида олиб борилган ишларнинг дастлабки натижалари институтнинг 29 декабрдаги илмий кенгашида жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинди. Шу куни эрталаб соат 10.00 да институтнинг Биржа кўчасидаги биносида бошланган илмий кенгаш академик И.Крачковскийнинг кириш сўзи билан очилди. Машҳур олимнинг нутқидан кейин Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Е.Бертельс «Навоий ижоди», институтнинг катта илмий ходими Б.Руденко эса «Навоий ва грузинларнинг «Баҳромгуриани» достони» мавзуларида маъруза ўқишди.

Буюк ўзбек шоирининг 500 йиллиги тантаналари бундан 66 йил аввал 1941 йилда қамал қилинган шаҳарда нишонланиши инсоният маданияти тарихига Санкт-петербурглик олим ва шоирларнинг катта жасорати сифатида кирган. Улар Нева бўйидаги шаҳар аҳолиси очлик ва совуқдан қирилиб кетаётган бир вақтда ўзларида Навоий ва унинг маданий меросига ҳурмат билан қараш, ижодини ўрганиш, асарларини таржима қилиш учун куч ва матонат топдилар.

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

● *Ушбу мақоланинг юзага келишида таниқли фольклоршунос олим Малик Муродовнинг «Навоийшунослар жасорати» рисоласи ва «Эрмитаж жасорати» китобидан фойдаланилди.*

**Суратда:** *Москва шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали.*

❖ Банк ва мижоз

# АНИҚ ҲИСОБ-КИТОБ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

## ДЕЙИШМОҚДА «САВДОГАРБАНК» БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИ

Улар иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш бўйича банк бизнес режаси кўрсаткичларини тўлиқ бажаришга эришмоқда.

2006 йилда «Кафолат плюс», «Олтин куз», «Даромад», «Устоз», «Наврўзи айём» ва «Эгасининг номи кўрсатилмайдиган» омонат турлари, пластик карточкалар бўйича «Фаровон ҳаёт» омонати жорий қилинди. Тарғибот ишлари жадал олиб борилганлиги натижасида жисмоний шахслар омонатларининг кескин ўсишига эришилди. 2006 йил 1 январь ҳолатига жами омонатлар қолдиғи 418,4 млн. сўмни ташкил қилиб, 2007 йил 1 январь ҳолатига бу омонат 122,8 млн. сўмга ошди, яъни 541,2 млн. сўмни ташкил қилди. Муддатли омонатлар қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 89,0 млн. сўмга кўп, яъни 441,2 млн. сўмни ташкил қилди.

Ташқи иқтисодий фаолият ва валюта операциялари соҳасида ҳам бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, 2006 йил давомида мижозларнинг 38708 АҚШ доллари миқдоридаги пуллари конвертация қилинди. Экспорт шартномалари бўйича банк ҳисобига 255,2 минг АҚШ доллари миқдорида валюта тўловлари келиб тушди. Дарвоқе, йил давомида «Контакт», «Мигом», «Интер экспресс», «Анелик» ва «Вестерн Юнион» деб номланган пул кўчириш усуллари орқали аҳолининг чет эл валютасидаги пул кўчирмаларини қабул қилиш ёки жўнатиш операциялари амалга оширилди. Бундан ташқари 2007 йилда банкдан ташқари пул айланмасини камайтириш мақсадида «Билайн» компанияси билан шартнома тузилиб, банк томонидан экспресс карточкалар сотиш орқали хизмат фаолиятини янада кенгайтириш кўзда тутилди.

Банк хизмати кўламини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш ва аҳолига янада қулайликлар яратиш ҳамда нақд пул муомаласини камайтириш мақсадида пластик карточкалар муомалага киритилди. Жумладан, шу йил 1 январь ҳолатига 33 та терминал ўрнатилиб, 7284 та пластик карточка тарқатилди.

Банк нафақат аҳоли омонатларини жалб қилиш, балки юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бозорига ҳам илдам қадамлар билан кириб бормоқда. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва хусусий бизнес соҳасини кредитлаш ишларини ривожлантириш учун иқтисодиётнинг реал секторига берилган кредитлар ҳажми ўсиб бориб, қисқа вақт ичида банк кредит қўйилмалари 2 бараварга ортди.

Кредит берилган ташкилотлар бўйича кундалик мониторинг олиб борилади. Бунда кредит олган ташкилотларнинг ҳисоб рақамидаги пул маблағларининг айланмаси текширилиб, кредитларнинг ўз муддатида қайтарилиши назорат қилинади.

«Савдогарбанк» Бухоро вилояти бўлими томонидан 2006 йил давомида мижозларга жами берилган кредитлар 3162,6 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан 442,3 млн. сўм савдога, 1537,3 млн. сўм қишлоқ хўжалигига, 500,0 млн. сўм саноатга, 683,0 млн. сўм бошқа мақсадлар учун ажратилган.

Марказий банк томонидан тасдиқланган прогноз режа бўйича 445 млн. сўм маблағ кичик бизнес вакилларига берилиши керак эди. Ушбу кўрсаткич 170 фоизга бажарилиб, 759,2 млн. сўмни ташкил этди. Шундан қисқа муддатли кредитлар — 334,7 млн. сўмдан, узоқ муддатли кредитлар — 424,5 млн. сўмдан ошди. Жумладан саноатга — 28,5 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига — 375,9 млн. сўм, деҳқон-фермер хўжаликларига — 228,6 млн. сўм, савдога — 277,4 млн. сўм, қурилишга — 40 млн. сўм, бошқа тармоқларга — 37,4 млн. сўм ажратилди. Айниқса, кейинги пайтда фермер хўжаликларига эътибор кучайди. Бу имтиёзли кредитлар фермер хўжаликларига ерга ишлов бериш учун техника хизматидан фойдаланиш, минерал ўғитларни ҳамда ёнилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида ва зарур миқдорда олиш имконини берди. Бу эса юқори ҳосил учун замин яратди.

Банк жамоаси шериклар билан аниқ ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш, бизнес режа ва бошқа ҳужжатларни юритиш борасида ҳам зарур маслаҳатлар бермоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили»да янги минибанклар очиш йўли билан банк хизматини бевосита қишлоққа олиб кириш, амалий семинар-кенгашлар ўтказиш, консалтинг хизматлари кўрсатиш тадбирлари қизғин давом эттириляпти. Шу боис банк бўлими эришган ютуқлар салмоқли бўлмоқда.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

**«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси**

**2007 йилнинг 13,16,20,23,27,30 март кунлари аукцион савдоларини ўтказади.**

**Савдоларга қуйидаги автотранспорт воситаси ва мол-мулклар қўйилган:**

*Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 38-уйда жойлашган, банкрот деб эълон қилинган «Кимёинвест-лойиҳа» инжиниринг фирмасининг 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AW 323 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси*

**Бошланғич нархи — 7 000 000 сўм.**

*Ҳамда банкрот деб эълон қилинган «Кимёинвест-лойиҳа» инжиниринг фирмасининг мол-мулклари.*

**Бошланғич нархи — 5 557 490 сўм.**

*Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.*

*Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.*

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

*Савдолар* ***Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.***

**Мурожаат учун телефон: 133-23-40.**

***Гувоҳнома №000815***

## XORIJDA

### ЯНГИ ҲУКУМАТ

**Қирғизистонда бош вазир Азим Исабеков бошчилигидаги янги ҳукумат тўлиқ шакллантирилди.**

*ИТАР-ТАСС ахборотида ёзилишича, янги таркибга мухолифат вакиллари умуман киритилмаган, аниқроғи, таркибга киришни улар хоҳлашмаган. Гап шундаки, бир неча сиёсий партияларни ўзида бирлаштирган «Ислоҳотлар учун» мухолифатдаги ҳаракат штабининг аъзоси, парламент депутати Темир Сариевга иқтисодий ривожлантириш ва савдо вазири лавозими бош вазир томонидан таклиф этилган. Бироқ Сариев сиёсий сабабларга кўра, бу лавозимни рад этган. Сариевнинг фикрича, ҳукуматнинг янги таркибидаги ягона мухолифат бутун бошли Вазирлар Маҳкамасининг бирор-бир масала юзасидан фикрини ёки йўналишини ўзгартиришга кучи етмайди. Шунинг учун лавозимни рад этган.*

*Маълумки, ҳукуматнинг ушбу янги таркиби янги принцип асосида шакллантирилди. Аввалги конституция бўйича вазирларни парламент депутатлари тасдиқлар эди. Энди, яъни бир ярим ой аввал қабул қилинган янги конституцияга кўра эса вазирларни бош вазир тавсиясига биноан мамлакат президенти тайинлайди.*

### ДАРОМАД СОЛИҒИ ЕНГИЛЛАШТИРИЛАДИ

**«Родина» партияси фракцияси депутатлари Россия Федерацияси Солиқ кодексининг иккинчи қисм 224-моддасига ўзгартишлар киритиб, ушбу ҳужжат лойиҳасини кўриб чиқиш учун Россия Давлат думасига тақдим этди.**

*Лойиҳада солиқ тўловларини енгиллаштириш кўзда тутилган. Жумладан, бир йилда 60 минг рублгача даромад олган жисмоний шахслар солиқ тўловидан озод этилади, 60 мингдан 120 минггача даромад қилганлар 10 фоиз, 120 мингдан 1,2 миллион рублгача даромад олганлар 13 фоиз, 1,2 миллиондан 3,6 миллионгача эса 20 фоиз ва ундан юқори даромадга эга бўлганлар 30 фоиз миқдорида солиқ тўлаши назарда тутилган.*



*Фракция вакилларининг айтишларича, солиқ ставкаларининг бу турда жорий этилиши, биринчидан, кам таъминланган аҳоли қатламини ижтимоий ҳимояласа, иккинчидан, бюджетга солиқ тушуми даражасини оширади.*

*Солиқ кодексининг амалдаги моддасида эса жисмоний шахсларга солинадиган умумий даромад солиғи ставкаси 13 фоиз қилиб белгиланган.*

### ЕТАКЧИЛАР КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

**Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида Фаластиннинг ФАТХ гуруҳи раҳбари Маҳмуд Аббос билан Фаластиндаги яна бир гуруҳ — ХАМАС ташкилоти Сиёсий бюроси раҳбари Ҳолид Машаал учрашиб, миллий бирлик асосида янги тузилажак ҳукумат таркиби юзасидан ўзаро келишиб олдилар.**

*Унга кўра, амалдаги бош вазир Исмоил Хония ҳукумат раҳбари этиб қайта тайинланди.*

*Араб оммавий ахборот воситалари хабар беришича, бу икки гуруҳ ўртасидаги учрашув ўтган сешанбада Жидда шаҳрида норасмий бошланган эди. Сўнг учрашув Макка шаҳрига кўчирилди ва расмий тус олди. Уни Саудия Арабистони подшоси Абдалла бин Абул Азиз ташкиллаштирди.*

*Мазкур учрашувдаги икки етакчининг келишуви Фаластиндаги вазиятни барқарорлаштиришда муҳим қадам бўлишига умид билдирилмоқда.*



### МАОШЛАР ОШИРИЛИШИ ТАЛАБИ

**Франциядаги коллеж ва лицейлар ўқитувчиларини ўзида бирлаштирган «Snes-FSU» касаба уюшмаси маълум қилишича, — дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, — давлат хизматчиларининг умуммиллий иш ташлаш намойишларида мамлакат ўқитувчиларининг ярмидан кўпи иштирок этмоқда.**

*Бундан ташқари, яна тўртта йирик касаба уюшма чақириғига асосан ўт ўчирувчилар, тиббиёт ходимлари ва полициячилар ҳам ушбу норозилик намойишига келиб қўшилишган. Улар маошлар оширилишини талаб қилиб, иш жойлари қисқартирилишига қарши норозилик билдиришмоқда.*

*«2000 йилдан 2004 йилгача одамларнинг харид қилиш «қуввати» 6 фоизга камайган. Шунинг учун биз бу борада музокаралар олиб боришни талаб қиламиз» деди Корчалонлар федерацияси уюшмаси бош котиби Жан-Марк Камбон.*

*Дарвоқе, темир йўл ташкилотларининг 30 минг ходими ҳам норозилик намойишларига келиб қўшилишди. Намойишлар Страсбург, Дижона, Тулуза, Марсел, Гренобл, Мица ва бошқа йирик шаҳарларда давом этмоқда.*

### «SSN-4» РАКЕТАСИ

**Эрон жанубида давом этаётган Ислом инқилоби посбонлари корпусининг ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучлари жанговар машқларида ҳарбий кемаларга қарши «SSN-4» ракетаси синовдан муваффақиятли ўтди.**

*Ҳарбийларнинг таъкидлашларича, — дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида, — 300 километр радиусда ҳаракатланувчи ушбу ракета Форс ва Уммон қўлтиғидаги, шунингдек, Ҳинд океанининг шимолий қисмидаги ҳар қандай кемани ишдан чиқариш қудратига эга.*

*Ислом инқилоби посбонлари корпуси ушбу ҳарбий машқ давомида шу йил январда Россиядан сотиб олинган «Тор-М1» комплексидаги зенит-ракетасини ҳам синовдан муваффақиятли ўтказди.*

### «КЎКНОРИ» ОПЕРАЦИЯСИГА ҚАРШИЛИК...

**Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракати жангарилари кўкнори майдонларини йўқ қилиш бўйича мамлакатнинг Хилманд музофотида бугун бошланадиган кенг миқёсдаги операцияга қаршилик кўрсатишмоқчи.**

*Толибонлар етакчиларидан бири бўлмиш Хожи Агхар Муҳаммад берган манбаларга асосланиб «The Daily Telegraph» газетаси бу ҳақда хабар тарқатди.*



*Таъкидлаш лозимки, Афғонистон ҳукумати маҳаллий деҳқонлар томонидан экиб, парваришланаётган кўкнори майдонларини йўқ қилиш бўйича дастур ишлаб чиққан. Маҳаллий аҳоли эса дастурга қарши. Толибонлар ҳам кўкнорифурушлар ёнини олмоқда. Маълумки, кўкноридан кучли гиёҳванд модда — опий олинади.*

*Кўкнори экинзорларини йўқ қилиш билан афғон полицияси шуғулланади. Улар хавфсизлигини таъминлашга эса Буюк Британия ҳарбий контингенти кўмак бермоқда.*

*Кузатувчиларнинг таъкидлашларича, кейинги беш йилда мамлакатда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш авж олган.*

### «ҚОРА РЎЙХАТ»ГА КИРИТИЛДИ

**АҚШ маъмурияти мудофаа воситалари экспортини тақиқловчи «қора рўйхат» кучга кирганлигини эълон қилди. Бу рўйхат 12 январда тасдиқланган.**

*Белорусия, Куба, Эрон, Шимолий Корея, Сурия, Венусуэла ва Вьетнам мазкур рўйхатга киритилди. Энди бу давлатларга Америкада ишлаб чиқарилган қурол-яроғлар, мудофаа характеридаги воситалар экспорт қилинмайди.*

*Шунингдек, Бирма, Хитой, Либерия, Сомали ва Суданга нисбатан аввал эълон қилинган эмбарго ҳам ўз кучида қолдирилди. Ливия ҳам ушбу рўйхатда бор эди. Аммо бугунги кунда у «қора рўйхат»дан чиқарилган ва мудофаа тизимига тааллуқли айрим воситалар экспортига рухсат этилди, дейилади «Новости» ахборотида.*

